

№ 4073684 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Кургонтепа ш.

2022 йил “21” Январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги уринларда – Компания) номидан 2021 йил “05” 01 даги 27-01-14/14-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андикон филиали директори Ш.Ахмедов (кейинги уринларда – Оператор) бир томондан ва **Кургонтепа туман ХТБ** номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Т.Умаров (кейинги уринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги уринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши буйича куйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги уринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги уринларда – Оферта) шартлари билан тулик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва туловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин туловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тулови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган саналдан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тулови **100 (бир юз) фунт** миқдоридан олдиндан туланади, дастлабки аванс тулови олдиндан тулов буйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳақми билан белгиланади.

ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ УЧУН Шартноманинг умумий миқдори 150 000 (Бир юз эллик минг) сўми ташкил этади, 15 % миқдоридаси ҚҚС ни инобатга олган ҳолда, Ундан ҳар ойлик абонент тулови 50 000 (Эллик минг) сўм

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини утқиши йули билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун старли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура буйича тулов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исдалмаган туловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қурнишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тулов талабномасида (ҳисобнома, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда узаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни узаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида куриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар қурмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, узаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини куради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳолисаларда (снгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/тақлиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида куриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни куриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар уртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сунг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) уз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) узгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг узариши ва бошқа узаришлар руй берган тақдирда Шартнома Уз кучида қолади. Томонлар бундай узаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага узгатиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК | АБОНЕНТ: Қўргонтепа туман ХТБ |
|--|---|
| Андижон филиали Қўргонтепа телекоммуникациялар боғламаси Манзил: Андижон шаҳар Лермонтов кучаси 12-уй Банк маълумотлари: “Алокабанк” Андижон филиали х/р: 20210000104074838308; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 74 2265656; E-mail: andtel@uztelecom.uz; Регистрационный код плательщика НДС: 326030013817 | Манзил: Шифокор кучаси № 8 уй Банк маълумотлари: Марказий банк Тошкент шаҳри х/р: 100022860032207096300075004 СТИР: 200279114 МФО: 00014 Газначилик: Қўргонтепа Газначилик бўлими Газна х/р: 23402000300100001010 ИНН: 201122919 |
| Оператор томонидан: У Носиров. | Абонент томонидан: Б. Умаров |



Кургонтепа телекоммуникациялар боғламаси ва Кургонтепа туман Кургонтепа туман ХТБ уртасида тузилган 2022 йил " " Январь даги № 4073684 сонли шартномага

И Л О В А 1

| T/p | 2022 йил ойлари номи | телефон нукталари сони | мижозлик тулови | шахарлараро сузлашув | Жами тулов | шундан | |
|-----|----------------------|------------------------|-----------------|----------------------|------------|------------------|-----------------------|
| | | | | | | бюджет хисобидан | махсус хисоб ракамдан |
| 1 | Январь | 5 | 34500 | 15500 | 50000 | 50000 | |
| 2 | Февраль | 5 | 34500 | 15500 | 50000 | 50000 | |
| 3 | Март | 5 | 34500 | 15500 | 50000 | 50000 | |
| 4 | Апрель | | | | | | |
| 5 | Май | | | | | | |
| 6 | Июнь | | | | | | |
| 7 | Июль | | | | | | |
| 8 | Август | | | | | | |
| 9 | Сентябрь | | | | | | |
| 10 | Октябрь | | | | | | |
| 11 | Ноябрь | | | | | | |
| 12 | Декабрь | | | | | | |
| | Жами | 15 | 103500 | 46500 | 150000 | 150000 | |

Изох: Бюджет ташкилотлари томонидан истеъмол килинган телефон алоқа хизмати миқдори шартномада келишилган миқдордан ортиб кетса, бюджет ташкилоти ортиб кетган хизматлар учун махсус маблағлари хисобидан қоплаб беради. Телекоммуникациялар боғламаси лимитдан ортиб кетган хизматларни истеъмолчининг махсус хисоб варағи учун алоқида сёт-фактура ёзиб беради. Ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

| ОПЕРАТОР | |
|--|----------------------------|
| Кургонтепа телекоммуникациялар боғламаси | |
| Манзили: Кургонтепа шаҳар Мустақиллик кучаси 49 уй | |
| Тел: 723-24-72, Факс: 723-22-44 | |
| Тошкент ш АТБ "Алоқа банк бош офиси | |
| Хисоб рақами: | 20 210 000 104 074 838 308 |
| МФО: | 00401 |
| СТИР: | 203 366 731 |
| Код ОКОНХ: | 52300 |
| | |
| | |
| | |
| | |

Кургонтепа телекоммуникация боғламаси
бошлиғи: У.Носиров

| АБОНЕНТ | |
|------------------------------------|----------------------------|
| Кургонтепа туман ХТБ | |
| Манзили: | Шифокор кучаси 18 уй |
| Тел: | 74-723-13-82 |
| Банк булими: | Марказий банк |
| Хисоб рақами: | 10022280032207095300075004 |
| МФО: | 00014 |
| СТИР: | 200278114 |
| Код ОКОНХ: | 92310 |
| Кургонтепа туман Газназилик булими | |
| Газна х/в: | 23402000300100001010 |
| Банк номи: | Марказий банк |
| МФО: | 00014 |
| СТИР: | 201122818 |

Т. Умаров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA**

№ SZ47216820

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Telekommunikatsiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida abonent 4073684-son shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Qo'rg'ontepa tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan 21.01.2022

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «24» yanvar

**Qo'rg'ontepa tumani yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**



Sh.Ne'matov